

Саломатлик улуғ неъмат эмасми?!...



15:08 / 02.10.2020 2765

Инсон умри давомида кўп неъматларнинг қадрига етмайди. Бетоб бўлмагунимизча соғликнинг, нотинчлик бўлмагунича тинчликнинг, ўлим эшик қоқмагунича ҳаётнинг... Инсонни тўрт мучасини соғ, ақл ва тафаккур эгаси қилиб яратишининг ўзи Яратганнинг улуғ бир неъмат эмасми?!

Аллоҳ таоло атрофимизда неъматлари қадрига етишимиз учун турли ибратларни кўрсатиб қўйди. Кўзи ожизларни кўриб, кўзлари очиқ кимсалар нега шукрона этмайдилар? Қўлтиқтаёқда юрганларни кўрган оёғи бутунлар нега Аллоҳга ҳамд айтмайдилар? Ўнг қўли ногирон кимсанинг чап қўли билан кўришаётганини кўриб, ҳар ким ўзининг соғлом қўлларига бир назар ташласин. Тан олиш керак, ўшандай ногирон инсонларнинг кўплари аслида биздан кўра сабрлироқ, шукр қилувчироқдирлар...

Шундай, бу дунё ибратлар, синовлар, сирлар дунёсидир.. Ҳар ишнинг дақиқ ҳикматини Ўзи билгувчироқдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг: ўлимдан олдин тирикликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандликдан олдин бўш вақтни, кексаликдан олдин ёшликни, фақирликдан олдин бойликни ғанимат билинг.**

Тан оламиз, биз шукрни унутиб қўйдик. **Govid-19** номли замонавий тиббиёт ҳам қаршисида мулзам турган бу касаллик ҳам, балки, Аллоҳнинг неъматидир.

Биз ҳозир ўзимиз, яқинларимиз ва ён атрофимиздагиларнинг соғлигига беэътибор бўлмаган ҳолда уйдимиз. Таълим муассасалари, кўплаб корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини пандемия сабабли тўхтатган. Тўғри, тўрт ойлар муқаддам биз кўчада эркин юрардик, кимдир ўқишга, кимдир ишга шошарди, кўчалар, метро ва автобус бекатлари одамлар билан тўла эди.

Афсуски ҳозир... Кўпчилик инсонлар ваҳимада, касаллик кўрсаткичлари кўтарилиб бормоқда, оғир касаллар вафот этмоқда, ҳатто баъзилар бир-бирларига ҳадик, шубҳа билан қарашмоқда. Баъзиларимиз хатто, фарзандларини бемалол бағриларига боса олишмаяпти.

Шуниси муҳимки, бизда таффакур қилиш учун ҳозир вақт бор. Қилган амалларимиз, босиб ўтган ҳаёт йўлимизни сарҳисоб қилиш имконияти мавжуд.

«Аллоҳ таоло мусибат, бало ва машаққатларни бандалари орасига раҳмат ўлароқ туширади. Булар сабабли хатоларини кечириб юборади ва гарчи нафсларига оғир келиб, ёқтирмасаларда, улар учун улкан неъматдир».

Ўйлаб кўрайлик, сал илгари ўқиш, иш билан банд бўлиб оиламиз, яқинларимиз учун етарли вақт ажрата олмаётганимиздан нолирдик. Ҳозир эса фарзандларимизнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиш, ота-онамиз билан бир пиёла чой устида суҳбат қуриб, болалик хотираларни, қувончли кунларни биргаликда ёдга олиш имкониятига эгамиз.

Аслида, бугунги кунларнинг ҳам қадрига етиб, ғанимат билишимиз ва мана шу вақт оралиғида вақтларимизни кўпроқ илм ўрганиш, китоб мутолааси ва гўзал ибодатлар ила ўтказишимиз энг тўғри ишдир.

Шунингдек, тинч ҳаётимизнинг қадрига етайлик. Юртлари уруш исканжасида қолган, бомбалар ёғилиб турган, кўчага ҳам чиқа олмаётган, ҳар куни, ҳар лаҳзасини бугун уйга қайта олармиканман, фарзандларимни кўра олармиканман деган қўрқув билан яшаётган инсонлар сафида эмаслигимизга, буюк авлиёлар юрти бўлган заминда умргузаронлик қилаётганлигимизга шукр қилайлик.

Келинг азиз юрдошим, дуо қилайлик! Юртимиз тинч бўлсин, беморларимизга шифо берсин, вафот этганларимизни Ўзининг раҳмати, мағфиратига олсин! Бу синовли кунлар ҳам тез кунларда ортда қолсин, аввалги ҳаётимизга янада ғайратли, шижоатли бўлиб қайтишимизни насиб этсин.

Малика Шомуродова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 4-курс талабаси